

*Мамлакатимиз ҳудудларининг оператив жиҳозланишини таъминлаш, ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифадир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.



2023 йил  
19 январь  
№ 3 (892)

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

**Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!**

## ТАНТАНАЛИ ТАДБИР

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**



Унда вазир ўринбосари полковник Ш.Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши масъул ходими С.Қудратов, вазирлик Бош бошкарма, бошкарма, мустақил бўлим ва хизматлар бошлиқлари,

тизим фахрийлари, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан полковник Ш.Жўраев ФВВ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар

ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тантана якунида вазирлик Фахрийлар Марказий кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Э.Икромов, “Содик хизматлари учун” медали соҳиблари, ФВВ Академияси профессори Р.Болтабоев, Жиззах вилояти ФВБ йўриқчи-қутқарувчиси Х.Исаковлар сўзга чиқиб, бугунги кунда вазирлик тизимида яратилаётган ўзига хос шарт-шароит ва имкониятлар, тизим ходимларига улкан эътибор учун миннатдорлик билдирдилар.

ФВВ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири в.б. таниқли шоир ва журналист Азамат Суёнов Ватан ҳимоячиларига бағишланган янги шеърларидан ўқиб берди.

Тадбир ФВВ Академияси оркестрининг ҳушвоз хонандалари ва созандалари томонидан тайёрланган ёқимли куй-қўшиқларга улашиб кетди.

**ФВВ матбуот хизмати.**

вазирлиги табригини етказиб, байрам билан кизғин кутлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониغا мувофиқ, бир гуруҳ ҳарбий хизматчи ва хизматчиларга давлат мукофотлари, шунингдек, “Тўмарис” кўкрак нишонлари, “лейтенант” ва навабдаги ҳарбий унвонлар ўз соҳиб ва соҳибаларига тантанали равишда топширилди. Бир гуруҳ ходимлар эса вазирлик фахрий ёрлик



Самарқанд вилоятида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ташкил этилган тадбирлар Амир Темури макбарасини зиёрат қилишдан бошланди.

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

Унда вилоят ҳокимлиги, ҳарбийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари иштирокида Амир Темури хайкали пойига гул қўйиш маросими ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрида жойлашган “Ёшлар маркази” биносидан байрам тадбири давом этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳар-

бийларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Улар орасида вилоят ФВБ ходимларининг ҳам борлиги қувончли, албатта.

Байрам тадбири санъаткорларнинг Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан давом этди.

**Самарқанд вилояти ФВВ матбуот хизмати.**



# МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирландилар.*

**“Содиқ хизматлари учун” медали билан**



**Болтабоев Раҳмат** –  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Академияси  
кафедра профессори



**Жўраев Алижон  
Абдиразоқович** –  
Қашқадарё вилояти  
Фавқулодда вазиятлар бош-  
қармаси қутқарув отряди  
гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси



**Исаков Ҳаёт Холматович** –  
Жиззах вилояти Фавқулодда  
вазиятлар бошқармаси  
ёнгин-қутқарув отряди гуруҳ  
йўриқчи-қутқарувчиси



**Исмаилов Рамаτζон  
Нуратдинович** –  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
бошқармаси ёнгин-қутқарув  
қисми йўриқчи-қутқарувчиси



**Холматов Ойбек  
Ҳамидович** –  
Фарғона вилояти  
Фавқулодда вазиятлар  
бошқармаси бўлим бошлиғи

**“Шухрат” медали билан**



**Аллаёров Очилди Ибрагимович** –  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги батальон командири



**Тошпўлатов Шерали Журабаевич** –  
Наманган вилояти  
Фавқулодда вазиятлар бошқармаси  
гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси



**Холиқов Равшан Номирович** –  
Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар  
бошқармаси Сирдарё тумани фавқулодда  
вазиятлар бўлими ёнгин-қутқарув қисми  
смена бошлиғи

Ўзбекистон  
Республикаси  
Фавқулодда  
вазиятлар вазирлиги  
раҳбарияти  
ва шахсий  
таркиби давлат  
мукофотлари билан  
тақдирланган саф-  
дошларимизни самимий  
мубороқбод  
этади.

## ҚУТҚАРУВЧИЛИК – ШАРАФЛИ КАСБ



Ҳаётимизда рўй берадиган турли фавқулодда ҳолатлар, техноген фалокатлар инсон ҳаётига таҳдид туғдирмай қолмайди. Шундай вазиятларда қутқарувчиларнинг хизматиға эҳтиёж туғилади. Мен ҳам 26 йилдан буён ушбу соҳада ишлайман. Сўнгги йилларда барча йўналишларда бўлгани каби бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Тизимнинг моддий-техник таъминоти яхшиланди. Ҳозирда биз фойдаланаётган махсус тезкор авария-қутқарув транспортларига хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам катта қизиқиш билдиради. Қутқарувчи хизмати сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди.

Қутқарувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича замонавий тизим яратилган. Шу билан бирга, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини тез ва тўғри ҳа-

ракат қилишга ўргатиш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга ҳам жиддий ёндашилди. Натижада фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай ҳолат юзага

келганда инсон ҳаётини асраш борасида муҳим натижаларга эришяпмиз. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда юзага келатган турли таҳдид ва хатарларга жавобан, хаминша оғоҳ ва сергак турмоғимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бундай шароитда ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди. Уни адо этиш биз, қутқарувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганим ана шундай машаққатли юмушларни адо этишда кучимга-куч кўшди. Бу ишонч ва эътирофни оқлаш учун куч-гайратимни асло аямайман, Ватанимга ва халқимга сидқидилдан хизмат қиламан.

**Равшан ХОЛИҚОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ  
Сирдарё тумани ФВ бўлими  
ёнгин-қутқарув қисми  
смена бошлиғи,  
“Шухрат” медали соҳиб.  
(“Янги Ўзбекистон” газетаси,  
2023 йил 17 январь)

## ХОНАДОНЛАР МУБОРАК!



Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 31 йиллиги, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Самарқанд вилоятида ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган 90 та замонавий хонадонларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги, маъмурий сектор раҳбарлари, Самарқанд ҳарбий прокуратураси, Марказий ҳарбий округ кўшинлар кўмондонлиги иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига хонадонлар қалити тантанали равишда топширилди.

**Одилжон ЎСАРОВ,**  
Самарқанд ҳарбий прокурори,  
адлия полковниги.

Наманган вилояти ФВБ харбий хизматчилари иштирокида “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда менинг бошқармам коррупциядан холи ҳудуд” мавзусида тадбир ўтказилди.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Тадбирга Наманган харбий прокурорининг ўринбосари – адлия капитани Икромжон Улканбоев, “Вақф” хайрия жамғармаси Наманган вилояти филиали раҳбари – Наманган шаҳар “Абу Ханифа” жоме масжиди имом-хатиби Шуқурулло Турсуновлар тақлиф этилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупция тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тадбирлари юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, шахсий таркибга тушунтирилди.

Шунингдек, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ФВ бўлими шахсий таркиби билан туман ИИБ тергов бўлими ходимлари иштирокида “Коррупциянинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” мавзусига бағишланган давра суҳбати ҳам ташкиллаштирилди.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар бўйича тушунчалар берилиб, улардаги ўзгаришлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Авазбек ИБРАГИМОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ Шахсий хавфсизлик бўлими ходими, подполковник.  
**Ғулумжон ИСМАЙЛОВ,**  
Мингбулоқ тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Қарши харбий прокуратураси ва Жануби-ғарбий махсус харбий округ қўмондонлиғи ҳамкорлигида Қарши шаҳридаги Олий харбий авиация билим юртида “Тўмарис издошлари” номли кўрик-танлов ташкил этилди.

## ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИ



Унда вилоят миқёсидаги барча куч тузилмалардаги харбий хизматчи аёллар ўзаро беллашдилар.

Қарши харбий прокуратураси ходимлари ҳакамлар хайъати аъзоси сифатида мусобақанинг ҳолисона ва адолатли ўтказилишини таъминлади.

Беллашулар натижаларига кўра, Округ кўшинлари тасаруфидagi харбий қисм харбий хизматчиси биринчи, Қашқадарё вилояти Ички ишлар ва

Божхона бошқармалари вакиллари иккинчи, вилоят ФВБ вакиласи учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

Шунингдек, танловда иштирок этган бошқа харбий хизматчи аёллар ҳам тадбир якунида ўз маҳорати ва салоҳиятига кўра, муносиб тақдирланиб, уларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Бахтиёр АҲМЕДОВ,**  
Қарши харбий прокурори,  
адлия подполковниги.

## ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Жиззах шаҳар фавкулда вазиятлар бўлимида “Миллий армиямиз - Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқонидир” шиори остида “Маънавият карвонлари” тадбири доирасида таниқли маданият ва санъат арбоблари, Жиззах драма театри актёрлари иштирокида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида харбий хизматчилар ва хизматчилар билан халқ ва армия яқдиллигини янада мустақкамлаш, уларни юрт қорига ярайдиган комил инсонлар этиб тарбиялаш, бугунги ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Учрашув савол-жавобларга бой тарзда ўтказилди.

**Ақбар ШАВҚИЕВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ кадрлар бўлими инспектори, капитан.  
**Дилмурод ХАЙИТОВ,**  
Жиззах шаҳар ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

## ЖАСОРАТ АСЛО УНУТИЛМАЙДИ!

Қуролли Кучлармиз ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан химоячилари кунини муносабати билан Сурхондарё вилояти ҳокими Улугбек Қосимов, Термиз харбий прокурори Дилмурод Ҳамроев ва Жануби-Ғарбий махсус харбий округ Жанубий оператив қўмондонлиғи бошлиғи Пўлатжон Сативалдиевлар сарҳадларни химоя қилиш чоғида ҳалок бўлган қахрамонларимиз оилалари ҳамда фахрийлар ҳолидан хабар олдилар.



Тадбирлар давомида юрт тинчлиги йўлида мардларча ҳалок бўлган сержант Муҳиддин Эштемиров оиласи ҳолидан ҳам хабар олинди.

Айни меҳр-саховат тадбири давомида меҳмонлар қахрамонларнинг оила аъзолари билан дилдан суҳбатлашдилар.

Шунингдек, Термиз шаҳрида истикомат қилувчи, харбий хизмат чоғида жароҳат олиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрий харбий хизматчининг ҳолидан ҳам хабар олинди, моддий ёрдам, совғалар ҳамда озик-овқат маҳсулотлари топширилди.

**Дилмурод ҲАМРОЕВ,**  
Термиз харбий прокурори,  
адлия полковниги.

Нукус харбий прокуратураси ташаббусига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан химоячилари кунини муносабати билан Нукус гарнизонида жойлашган харбий қисм харбий хизматчилари ва ИИВга қарашли “Темурбеклар мактаби” харбий академик лицейи ўқувчиларининг Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейига экскурсияси ташкил қилинди.

## ЎҚУВЧИЛАР САВИЦКИЙ МУЗЕЙИДА



Тадбирда Нукус харбий прокуратураси қатта терговчиси Шавкат Ражабов ва харбий прокурор ёрдамчиси Саламат Науризбаевлар иштирок этишиб, харбий хизматчилар ва ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиш тарихи, ҳозирги кунда Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислохотлар, миллий

армиямизнинг дунёда тутган ўрни ва нуфузи, Президентимиз томонидан харбий хизматчиларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил тушунчалар беришди.

Шунданг сўнг иштирокчилар И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи кутубхонасидаги илмий асарлар ва мавжуд санъат асарлари билан

таништирилди.

Тадбир якунида харбий хизматчилар ўзларининг расомчилик санъати борасидаги билимларини турли санъат асарларини қоғозга муҳрлаш орқали намоён этишди.

**Дауран ТУРУМБАЕВ,**  
Нукус харбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

## YANGI UYLAR TOPSHIRILDI

Ўзбекистон Respublikasi Qurolli Kuchlarining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni bayrami munosabati bilan Urganch shahar Mash'al mahallasi Istiqlol ko'chasida barpo etilgan 9 qavatli uylarni Xorazm viloyati FVBning bir guruh harbiy xizmatchilariga tantanali topshirish marosimi bayramga aylanib ketdi.

Tantanada so'zga chiqqan faxriylar bugungi kunda joylardagi harbiy qism, bo'lim va bo'linmalardagi islohotlar, soha vakillari uchun yaratilayotgan sharoitlarni e'tirof etdilar.

Tadbirda boshqarma boshlig'i polkovnik O'lmas Meyliyev so'zga chiqib, yangi turar joy binolariga ko'chib o'tayotgan harbiy xizmatchilarni yana bir bor qutladi.



Xonadonlarning kalitlari harbiy xizmatchilarga keng jamoatchilik ishtirokida tantanali topshirildi.

**Hojiakbar RUSTAMOV,**  
Xorazm viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i,  
oddiy askar.

## MUSOBAQA

FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi, Chinoz tumani sportni rivojlantirish bo'limi, sport maktabi hamda tuman mudofaa ishlari bo'limi hamkorligida sportning mini-futbol turi bo'yicha harbiylar o'rtasida musobaqa o'tkazildi.



Musobaqada tumanda faoliyat yuritayotgan harbiy qismlarning 4 ta jamoasi o'zaro bellashdi. Musobaqa yakuniga ko'ra, Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi 2-Muhandislik-qurilish batalyoni terma jamoasi 2-o'rinni egalladi.

G'olib va sovrindorlar sportni rivojlantirish bo'limi tomonidan esdalik sovg'alar, diplom va medallar bilan taqdirlandilar.

**SH.AHMADALIYEV,**  
Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi bo'limi boshlig'i, kapitan.  
**I.KAJANOV,**  
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

## MAKTABDA TARG'IBOT

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tay-yorgarlik va malaka oshirish markazi harbiy xizmatchilari joylarga chiqib, bir qator targ'ibot va tashviqot ishlarini amalga oshirmoqdalar.



Jumladan, ob-havoning keskin sovishi natijasida vujudga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda holatlar hamda yong'inlarni bartaraf etish bo'yicha Samarqand shahar "Kimyogarlari" qo'rg'onidagi 18-umumta'lim maktab mutasaddi rahbarlari va maktab qorovullari bilan aholi orasida is gazidan zaharlanish hamda isitish mavsumida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan yong'inlarning oldini olish yuzasidan tushuntirish va targ'ibot tadbirlari olib borildi.

Tadbirlar davomida maxsus ko'rgazmalar tashkil etilib. isitish qozonlari va ularning tizim qismlaridan to'g'ri foydalanish qoidalari o'ziga xos tasvir vositalari orqali ko'rsatib berildi.

**J.XOLMURODOV,**  
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM sikl o'qituvchisi, mayor.  
**B.QARSHIYEV,**  
yo'riqchi-qutqaruvchi, oddiy askar.

Наманган вилояти ҳокими – Фуқаро муҳофазаси раҳбари бошчилигида водий вилоятларини пойтахт билан боғловчи “Қамчиқ” довоида барқарор ҳаракатни таъминлаш, кучли қор ва совуқ вақтларда эълон қилинадиган ҳаракатдаги вақтинчалик чекловларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида махсус Штаб ташкил этилди.

## АНОМАЛ СОВУҚ: ДОВОИДА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛГАН?

Аҳолини қабул қилиш пунктида кутиш палаткалари, она-болалар хонаси, аҳоли учун вақтинчалик кутиш, исиниш, тиббиёт ва овқатланиш хоналари ташкил этилган бўлиб, йўловчи ва ҳайдовчилар учун озиқ-овқат захиралари жамланган.

Поп тумани А-373-“Тош-



ота чойхонасида ташкил этилган. Шунингдек, довоининг 262 км.да аҳолини қабул қилиш учун 2 дона исиниш хона, тиббиёт хона, она-бола хоналари ташкил этилган бўлиб, зарур жиҳозлар, етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилган.

Бундан ташқари, иситиш

**Қаҳрамон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

**Ўткир ТУРДАЛИЕВ,**  
Поп тумани ФВБ бўлими бошлиғи, подполковник.

Наманган вилояти ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов, вилоятга ИИВдан бириктирилган масъул ходим ва ФВДТ хизматлари томонидан Наманган шаҳар, “Сардоба” МФЙ, Навоий кўча 1-а-уйда жойлашган “Ал Ибрат” МЧЖга қарашли “MEGAPOLIS” савдо маркази ҳамда “Бегабод Агро фермер” фермер хўжалигига қарашли “Шодлик” савдо марказларининг ишчи-хизматчилари билан ёнгин ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

## Фойдали суҳбатлар



Мазкур суҳбатларда асосан дастлабки ёнгин ўчириш асбобларидан фойдаланиш тартиби, бино эвакуация-қутқарув йўллари оқиқлиги, ёнгиндан дарак берувчи хабаргоҳлар билан жиҳозланганлиги ва ички ёнгин ўчириш жўмақларининг ёнгин ўчириш қуроллари билан жиҳозланганлиги кўриб чиқилди.

**Қаҳрамон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

ФВБ Академияси ҳузурдаги Бошланғич тай-ёргарлик ва малака ошириш марказида тингловчиларнинг билим савиясини ошириш мақсадида “SEG TASKO trading and supply company terminal Мароқанд” МЧЖ терминалида кўргазмали ёнгин ўчириш амалий-тактик машқи ўтказилди.

## ЁНГИН ЎЧИРИШ МАШҚИ



Машқнинг тактик ғоясига кўра, МЧЖ терминалининг ёқилги куйиш шохобчасида ёнгин содир бўлди. Натижада ёнилги моддалари солинган автомобиль ёнгин ичида қолди.

технологик қурилмаларда портлаш хавфи туғилиб, қувурлардан оқиб чиққан суюқликнинг ёниши, ёнувчи суюқликларнинг тўкилиши кузатилади. Содир бўлган ёнгинни бар-

тариф этиш учун терминалнинг ёнгин ўчириш дружинаси, шунингдек, марказ ўқув қисмида мавжуд учта жанговар бўлинмалар сафарбар этилди.

Биринчи навбатда олинган хабар бўйича ёнгин-қутқарув бўлинмалари ўз ҳаракатларини амалга ошириб, ёнгин ўчоғида хавфни бартараф этишга киришди. Бошқарув штаби ёнгин қутқарув кучларининг вазифаларини пухта ишлаб чиқилган чизматарх асосида белгилаб берди.

Машқ якуни бўйича марказ бошлиғи полковник С.Аҳмедов муҳокама ўтказиб, тадбир давомида йўл қўйилган хато ва камчиликларга агрофлича тўхталиб ўтди ва мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

**Дилшод ИСМОИЛОВ,**  
марказ бўлим катта офицери, лейтенант.

Isitish moslamalaridan noto'g'ri foydalanish oqibatida ko'ngilsiz hodisalar sodir bo'lishi hamda insonlar is gazidan zaharlanishi mumkin.

Bunday ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish maqsadida gaz uskunalaridan va isitish moslamalaridan foydalanishda quyidagi yong'in va xavfsizlik talablariga rioya qilishingizni so'raymiz:

qo'lbola va nosoz gaz isitish moslamalaridan foydalanmang;

tungi vaqt aholi turar joylarida o'rnatilgan isitish tizimini nazoratsiz qoldirmang;

oshxonada o'rnatilgan tabiiy gazda ishlovchi gaz plitalardan xonalarni isitish maqsadida foydalanmang;

isitish moslamalari yaqinida yonuvchan buyumlarni saqlamang;

isitish moslamalaridan foydalanishda ularni ishlab chiqargan korxonaning tavsiya va yo'riqnomasi talablariga rioya qiling;

gaz uskunalarini ulash tartib-qoidalariga rioya qiling va ularga rezina shlangalar orqali ulanishga yo'l qo'ymang; agarda xonada gaz hidini sezsangiz, chiroq va uchqun chiqaruvchi moslamalardan aslo foydalanmang, darhol xonani

shamollating hamda gaz xizmatiga zudlik bilan xabar bering.

Ushbu qoidalarga rioya etish bilan Siz o'zingiz va yaqinlaringiz hamda uy-joyingizni ko'ngilsiz hodisalardan saqlagan bo'lasiz.

**Oybek IBRAGIMOV,**  
Shayxontohur tumani FV bo'limi inspektori, mayor.

кент-Ўш” автомобиль йўлининг туман ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш Штаби довоининг 254 км.да жойлашган Собир

пунктлари ва умумий овқатланиш шохобчаларида озиқ-овқат ва ёқилги захираси яратилган.

Mashaqqat bilan erishilgan yutuq totli bo'ladi. Har qanday kasbda, ishdagi omadga erishish, hattoki katta marralarni zabt etish mumkin. Ammo sharafli kasb egasi bo'lish bu baxtdir. Ha, libosim yelkamdagi yulduzlar meni yanada mas'uliyatli bo'lishga chorlaydi. Chunki bu libos ichidagi yurak Vatanim tinch bo'lsin deb urmoqda. Tomirimdagi qaynoq qon esa xalqim omon bo'lsin deb oqmoqda.

## MEN – OFITSERMAN



Ba'zilar meni shu libosda ko'rganida, "Ha, oddiy harbiy-da", – deb o'ylashi mumkin. Ammo bu men uchun oddiy libos emas. Bu libosga, yelkamdagi yulduzlarga qanchalar mashaqqat bilan erishganimni yolg'iz o'zim bilaman.

Menga bitta so'zning o'zi kifoya: "Men – ofitserman!"

Ofitserlar ko'p gapirmaydi. Balki kasbga sodiqligini xizmatida ko'rsatadi. Kimlar uchun bu so'z oddiy eshitilar. Lekin menga bu so'zlar g'urur bag'ishlaydi.

Safdoshlarim bilan birgalikda faslning issiq va sovuq kunlariga qaramasdan aholi va hududlarni yong'inlar, tabiiy va texnogen tusdagi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish, odamlarning dardi bilan yashash, ularning tinchligi va xavfsizligini ta'minlash, qutqarish va yordam berishda bor

kuch-g'ayratimizni ishga solamiz, kerak bo'lsa, Vatanimizning tinchligi uchun jonimizni fido qilishga tayyormiz.

Men – ofitserman! Ofitserlar hech qachon sobiq yoki o'tkinchi bo'lmaydi.

U hamisha Vatanimizning tinchligi va osoyishtaligi uchun shay turadi.

Men ham toki tanamda jonim, bilagimda kuchim, ko'zimda nurim, oyoqlarimda quvvatim bor ekan, necha yosh bo'lishimdan qat'i nazar, Vatanimni himoya qilishga, tinchligini saqlashga shayman.

Har qanday vaziyatda Vatanimizning xizmatiga tayyor turadigan, yurt qalqoni, Vatanim posboni, xalq himoyachisi, Prezident askari – "Vatanparvarman".

Do'stim! Bu so'zning o'zi seni Vatanimizga chorlaydi. Sen ham yurtimizni sharaf bilan himoya qila olasan. Men ishonaman. Faqatgina yuragingga bir shu so'zni tugib olsang bo'lgani, chunki biz sen bilan birgalikda "Vatanparvarimiz".

**O'tkirbek YULDASHEV,**  
Dehqonobod tumani  
FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, mayor.

## AKAM – VATAN HIMOYACHISI

Qurolli Kuchlarimiz tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatanimizning himoyachilari kuni munosabati bilan "Mening akam – Vatanimizning himoyachisi" mavzusida "Toshkent – Andijon" videomuloqoti tashkil etildi.

Tadbirida mamlakatimizning turli hududlarida yigitlik burchini o'tayotgan toshkentlik askarlarning ota-onalari, poytaxtimizdagi harbiy qismlarda xizmat qilayotgan andijonlik askarlar, muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlarning oila a'zolari ishtirok etdilar.

Onlayn muloqotda askarlar ota-onalariga barcha zamonaviy sharoitlarga ega bo'lgan harbiy qismlarda o'z muqaddas burchini sharaf bilan o'tayotgani haqida so'zladilar.



Onlayn muloqot davomida Andijon viloyatida o'z yigitlik burchini o'tayotgan toshkentlik askarlar Toshkentda xizmatni o'tayotgan andijonlik askarlar ota-onalariga guldastalar sovg'a qilishdi.

Tadbirida harbiy xizmat davomida safdoshlariga o'rnak

bo'layotgan askarlar, ularning ota-onalariga tashakkurnoma va esdalik sovg'alari topshirildi.

**SH.AHMADALIYEV,**  
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar  
bo'limi boshlig'i, kapitan.

**I.KAJANOV,**  
OAV bilan ishlash bo'yicha katta  
texnik, oddiy askar.

## E'TIBOR

Farg'ona viloyati FVB da O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatanimizning himoyachilari kuni munosabati bilan tantanali bayram tadbiri bo'lib o'tdi.



Tadbirida boshqarma boshlig'ining birinchi o'rinbosari polkovnik R.Urmanov tomonidan ishtirokchilarga bayram tabrigi o'qib eshittirildi.

Tantana davomida mamlakatimiz mudofaa qudrati va harbiy-texnik salohiyatini yuksaltirish, sharafli va muqaddas burchini bajarishda mardlik, jasorat va fidoyilik ko'rsatgani, yoshlarni vatanparvarlik va ona yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash ishlariga qo'shgan munosib hissasi uchun bir guruh harbiy xizmatchilar navbatdagi harbiy unvonlar hamda faxriy yorliqlar bilan taqdirlandi.

**Ahliddin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV va  
JTBHQG  
boshlig'i, katta leytenant.

## ФАХРИЙЛАР – ЭЪЗОЗДА

Sirdarë tumani istiqomat qiluvchi Ivan Shvedenko Ikkinchi jahon urushining suronli yillarida Vatanimiz uchun mardlarча жанг қилган юртдошларимиздан бири. Унинг кўксини беагаган кўплаб орден ва медаллар урушда кўрсатилган қахрамонликлар нишонасидир.

Sirdarë viloyati FVB va Mudofaa boshqarmasi harbiy xizmatчилари уруш фахрийсининг холидан хабар олишди. Отахон ҳарбийлар билан суҳбатда урушнинг захматли йилларида Ватан озодлиги ва фаровонлиги учун олиб борилган курашлар тўғрисида сўз юритиб, бугунги тинч кунларга шукроналик келтирди.

Ахмадjon Исломов кўп йиллар давомида FVB тизими-

да фаолият олиб бориб, аҳоли ва ҳудудларни фавақулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш ва ноҳуш ҳолатларни бартараф этиш борасида меҳнат қилган жонкуяр ҳодимлардан эди. Ана шу фидокор инсонни хотирлаш, оиласидан хабар олиш мақсадида бир гуруҳ ҳарбийлар марҳум ҳамкасбларининг хонадонида бўлишди. Ватан тинчлиги ва раванки йўлида қилган хизматлари эътироф этилиб, ёд олинди.

Sirdarë viloyatidan mard ug'lonlar katorida Ikkinchi jahon urushiga safarbar etilgan Uskan ota Xojimanoev ayni vaktida Bo'evut tumani farovon umr kechirmokda. Ikkinchi jahon urushi tugaganligiga qariyb 78 yil bulishiga qaramasdan, Uskan otaning kuzlarida usha suronli yillarining aksi namo'ni, kadok kulllarida esa Vatanimiz uchun kutarilgan kurollarining izi bor.

Qurolli Kuchlarimiz tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatanimizning himoyachilari kuni bayrami arafasida Sirdarë viloyati FVB tashabbusi bilan harbiy xizmatчилар ва маҳалла фаоллари биргаликда нуруний отахоннинг холидан хабар олишди ҳамда уни байрам билан табриклашди.

**Сардорбек ШЕРМАТОВ,** Оқолтин тумани FVB НТБ бошлиғи, катта лейтенант.  
**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,** viloyati FVB ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.



Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Ohangaron shahar bo'linmasi tomonidan shahar favqulodda vaziyatlar bo'limida "Vatanimizga tayanchman!" mavzusida vatanparvarlik soati o'tkazildi.

## VATANPARVARLIK SOATI



Davra suhbatida bo'linma rahbari U.Cho'iponova, bosh mutaxassis D.Akbayeva o'z ma'ruzalari bilan ishtirok etib, Vatanimizni qo'riqlash va uni asrab-avaylash har bir mard o'g'lonning burchi va vazifasi ekanligini aytib o'tdilar.

Suhbat qiziqarli bahs-munozalarga boy tarzda o'tdi.

**Azizbek QO'SHAQOV,**  
Ohangaron shahar  
FV bo'limi boshlig'ining  
o'rinbosari, kapitan.



## МУАССАСАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Тошкент шаҳар Миробод тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан тумандаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда Ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг амалдаги ижроси юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда.

Жумладан, ушбу муассасаларда “Биринчи рақамли хавфсизлик” мавзусида доимий равишда учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Айни учрашувларда мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаб ишчи-ходимларига ёнгин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар, содир бўлаётган ёнгинлар мисолида ушбу қоидаларга сўзсиз риоя қилиш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги тушунтирилмоқда.

Болажонларга эса хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Ҳозирда бу каби тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**Жасурбек ЭГАМНАЗАРОВ,**  
Миробод тумани ФВ бўлими  
ПваНБ мутахассиси,  
оддий аскар.

## МУНОФАЗА – BOSH MAQSAD

Навоий вилояти FVB томонидан aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish, fuqaro muhofazasi va yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha 2022 yil davomida qator tadbirlar amalga oshirildi.

Jumladan, Navoiy shahar, Karmana, Xatirchi, Navbahor va Konimex tumanlarida hamkorlikdagi qo'mondonlik-shtab o'quv mashqi o'tkazildi. O'quv mashqlariga jami 71 252 nafar xodim (aholi) va 664 ta texnika jalb etildi.

O'tgan yilda “101” va “1050” qisqa raqamlari orqali jismoniy va yuridik shaxslardan (aholidan) 874 ta murojaat kelib tushgan bo'lib, o'z vaqtida tegishli yordamlar ko'rsatildi.

Amaliy harakatlar natijasida yong'inlar 2 taga, yong'inlar nati-

jasida insonlarning halok bo'lish holatlari 3 taga, yong'inlarda insonlarni tan jarohati olish holati 1 taga kamaydi.

Sodir bo'lgan holatlar tahlildan kelib chiqqan holda, viloyatda yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha “mahallabay” va “xonadonbay” ishlash tizimi joriy etilib, tadbirlarga komunal xizmatlar va jamoatchilik keng jalb qilindi.

**R.TOSHNAZAROV,**  
Navoiy viloyati FVB xodimi,  
mayor.

## BARTARAF ETILDI

Farg'ona viloyati Dang'ara tumani “Chodakli” MFY Toshkent ko'chasidagi avtomobil ehtiyot qismlari sotishga mo'ljallangan konteynerlarda yong'in sodir bo'lganligi to'g'risida tuman FV bo'limiga xabar kelib tushgan.

Shunga ko'ra, 5 ta yong'in-qutqaruv ekipaji voqea joyiga yetib borib, yong'in qurshab olingan va bartaraf etilgan.

Yong'in natijsida 4 ta konteynerning taxminan 40 kv.m maydonida ichki qismi yonib zararlangan. Hodisa oqibatida tan

jarohati olgan va halok bo'lganlar yo'q.

**Aholidin ALIJONOV,**  
Farg'ona viloyati FVB OAV  
va JTVHQG boshlig'i, katta  
leytenant.  
**Sardor ABBOZOV,**  
yetakchi mutaxassis.

Yangi qurilishni loyihalashtirishda birinchi o'rinda yong'in xavfsizligiga qat'iy riya etish, qurilish jarayonida yong'in xavfsizligini ta'minlash va qo'shni binolarga zarar yetkazmaslik, ish joyida har-xil chiqindilarni saqlash yoki ularni yoqish man etiladi.

## YONG'IN XAVFSIZLIGI

Bino ichida o'zboshimchalik bilan loyihadan tashqari qurilish ishlarini olib borish va elektr tarmoqlarini montaj qilish hamda bino va xonalarning shift qismi yong'in vaqtida tez yonuvchi va o'zidan zaharli modda tarqatuvchi plastik qoplamalar bilan qoplanishi ko'p hollarda yong'in sodir bo'lishi va boshqa ko'ngilsiz hodisalarga sabab bo'lishi bilan birga, fuqarolarni qutqarish, evakuatsiya ishlariga ham salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Hurmatli tadbirkorlarimizga qurilish ishlari paytida yong'in xavfsizligi qoidalariga riya qilish, qurilayotgan obyektning shift qismlarini plastik qoplamalar bilan qoplamaslik, maskanni birlamchi yong'in o'chirish vositalari bilan jihozlash, yong'indan xabarlovchi avtomatik qurilmalarini o'rnatishni tavsiya qilamiz.

**J.QAMBAROV,** O'rtachirchiq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.

Yanqixat tumani FV бўлими ходимлари томонидан туманда бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

## ҚИЗГИН ТАШАББУС

Мазкур тадбирлар давомида мутасадди ташкилот ва корхонлар вакиллари билан ҳамкорликда тизимли равишда ҳудудларга чиққан ҳолда, ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкиллаштирилмоқда.


Хусусан, “Янги турмуш” маҳалласида ҳудудгаз, электр тармоқлари, дудбуронларга хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари иштирокида 14 та кўп қавагли уй, 382 та хонадонларда мингга яқин фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Саидмансур ТУРСУНОВ,**  
Янqихат тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёнларини назорат қилишда аҳоли иштирокини кенгайтириш, объекتلари қабул қилиш комиссияларига маҳалла раисларини киритиш бўйича кўрсатма берди.

## ҚУРИЛИШ НАЗОРАТИДА АҲОЛИ ИШТИРОКИ



2023 йил 1 январдан бошлаб, қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган қурилиш объектига хорижий техник-назорат мутахассисларининг жалб қилиниши, давлат объекти бўйича лойиҳа ҳужжатлари «Қурилиш ресурслари классификатори» платформаси асосида ишлаб чиқиши белгиланган.

Бу платформа қурилиш материаллари нархларини ягона тамойил асосида шакллантириш имконини беради. Коррупцияга қарши курашиш агентлигига лойиҳалар, пудратчилар ва қурилиш ҳақидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очиклигини таъминлаш вазифаси қўйилган.

**Ҳамидулло ЮЛДАШЕВ,**  
Наманган вилояти ФВБ НТБ бошлиғи, майор.  
**Иброҳимжон КАРИМОВ,**  
бошқарма НТБ инспектори, капитан.

## ҚОИДАЛАРНИ УНУТМАНГ!

Таҳлилларга кўра, аксарият ёнгинларга қўлбола иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари сабаб бўлади.

Қиш мавсумида юз бериши мумкин бўлган ёнгин, ҳаво-газ аралашмасининг чакнаши ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида, қуйидагиларга риоя қилишнинг зарурлиги сўраб қоламиз:

– ташқи ҳимоя қобилияти шикастланган электр сим ва кабеллардан фойдаланманг;

– электр ҳужалигида ортиқча юкланиш ва электр симларнинг қисқа туташувидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш лозимлиги сабабли сифат сертификатига эга ҳимоя сақлагичларидан (автоматлардан) фойдаланинг;

– иситиш печларининг дудбуронларини тозалаш, сошлаш ва уларнинг қоида талаблари асосида ўрнатилиши бўйича хизмат кўрсатувчи махсус ташкилотларга мурожаат қилиш ва улар томонидан лозим даражада хизмат турларининг бажарилишига эришинг;

– иситиш печларини ҳаддан зиёд киздириб юборманг;

– газ ва электр иситиш мосламаларини назорат қилишни ёш болаларга топширманг;

– газ таъминоти идоралари мутахассисларини жалб этган ҳолда, газ жиҳозларини тафтишдан ўтказиб, уларга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этинг ва х.к.

Юқоридаги каби қоидаларга амал қилмасак, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва яқинларимизни турли офатлардан асраган бўламиз.

**Рўзиматжон ХАЛИЛОВ,**  
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқарма  
ОЁХТТЭБ ПваНБ инспектори,  
лейтенант.  
**Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,**  
бўлима бошлиғи, подполковник.

## ОҚОЛТИНДА ТАДБИРЛАР

Оқолтин туманида қучайтирилган профилактик тадбирлар олиб борилди.

Даставвал, ўтказилган йўриқномада профилактик жараёнларни ўтказувчи ишчи гуруҳ вакиллари уйма-уй юриш орқали олиб борилаётган тарғибот жараёнларида аниқланган камчилик ва қоида бузилиш ҳолатларини жойида бартараф этиш зарурлиги ўқитилди.

Шундан сўнг амалий профилактик тадбирлар туманининг Тошкент маҳалласида олиб борилди. Бунда хонадонларда мавжуд табиий ва суюлтирилган газлардан фойдаланиш ҳамда иситиш мавсумига тайёргарлик ҳолати кўздан кечирилди. Хонадон эгаларига қўшимча тушунтиришлар берилиб, эслатма материаллари тарқатилди.

Тадбир давомида ишчи гуруҳ вакиллари томонидан “Мустақиллик” маҳалласида олиб борилаётган тарғибот жараёнларига назар ташладик. Бунда ҳам “Оқолтинтумангаз” газ таъминоти идораси ходимлари томонидан яшаш уйида суюлтирилган газ баллонидан белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари жойида бартараф этилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Сардорбек ШЕРМАТОВ,**  
Оқолтин тумани ФВ бўлими  
НТБ бошлиғи.

Ohangaron shahar favqulodda vaziyatlar bo'limi, "Shahargaz" xodimlari hamda mahalla fuqarolar yig'inlari mas'ullari hamkorligida aholi yashash xonadonlarida is gazi, gaz-havo aralashmasi chaqnashi hamda yong'inlarning oldini olish bo'yicha targ'ibot tadbirlari amalga oshirilmogda.

## "YANGIOBOD" DA UCHRASHUV



Bu galgi profilaktik tadbir "Yangiobod" mahalla fuqarolar yig'inidagi ko'p qavatli xonadonlar hamda yakka tartibdagi yashash uylarida istiqomat qiluvchi fuqarolar bilan olib borildi.

Targ'ibot tadbirlari davomida fuqarolarga qish mavsumida yong'in, chaqnash, is gazi hamda ovqatdan zaharlanish bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda nosoz, qo'lbola elektr, gaz jihozlaridan foydalanmaslik lozimligi tushuntirilib, eslatma materiallari tarqatildi.

**Azizbek QO'SHAQOV,**  
Ohangaron shahar  
FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, kapitan.

## MUAMMOLARGA ECHIM

Бугунги кунда юртимиз бўйлаб кузатилаётган ноқулай об-ҳаво шаронтида Арнасой туманида ҳам республика, вилоят, туман ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганмоқда.

Бундай хайрли ишларга вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ва Арнасой тумани фавқулудда вазиятлар бўлими ходимлари ҳам ўз хиссаларини қўшган ҳолда қўмир маҳсулотлари олиб келиниб, 4 та сектор кесимида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан огир оилаларга тарқатилмоқда.

**Ином АМАНОВ,**  
Арнасой тумани ФВ бўлими  
бош. ишчи, капитан.

Миробод тумани ФВ бўлими ходимлари инсонлар тунда қоладиган масканлар, хусусан, шифохоналар, талабалар турар жойлари ва қурилиш объектларида тунги вақтда биноларнинг ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниши юзасидан ўрганиш ва рейд тadbirlarини ўтказиб келмоқдалар.

## РЕЙДЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Рейдлар давомида автомобиль йўллари қор ва музлардан тозалашга жалб этилган куч ва воситалар, ёқилги ҳамда қум-туз захираси ва фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш бўйича туман Ободонлаштириш бошқармаси ўрганилиб, маскан навбатчи ходимлари билан фавқулудда вазиятларда ҳаракатланиш юзасидан суҳбатлар олиб борилди.

**Нурбек НУРМОНОВ,**  
Миробод тумани ФВ бўлими  
II ва III инспектори, капта лейтенант.

# СУД СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Жамият таракқиёти қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини мустаҳкамлашга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш орқали уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қондаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб

чиқилмоқда эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишга доир нормалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказилди ва тегишли ишларни кўриб чиқиш

маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига ўтказилди.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси XXIII 2 боб. "Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш" билан тўлдирилди.

Мазкур боб 3136-3169-моддаларни ўз ичига олади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг ушбу марказга жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар

органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилди ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ушбу моддада назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилди.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилган пайтдан эътиборан

24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида яқка тартибда кўриб чиқилади.

Қарор судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарор устидан ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили ва адвокат апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор эса апелляция протести келтириши мумкин.

Мазкур қонун муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ушбу марказга жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар ва ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**М.ҲАСАНОВА,**  
жиноят ишлари бўйича  
Сергели туман судининг  
судьяси.

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Сўнгги йилларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳақида кўп гапирилмоқда. Негаки, ўз ҳуқуқини билган ва ҳуқуқини билган ва ҳимоя қилганлар ҳаётда адашмайди.

Мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларда ёшларимиз фаол иштирок этмоқда.

Зеро, улар эртанги кунимиз эгаларидир. Ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифалардан биридир. Уларни соғлом, маънавий етук, ватанпарвар қилиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунни алоҳида

таъкидлашимиз керак. Мазкур қонун ҳам давлатимиз томонидан эртағамиз эгалари бўлмиш ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали ишлаши жараёнларини ёшларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшлар мустақил давлатимизнинг стратегик мақсади саналади. Шу

боис галдаги устувор вазифаларидан бири мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Сабаби бугунги ёшлар Ўзбекистон давлатининг эртанги таракқиёти ни белгиловчи куч саналади. Шу нуктаи назардан қараганда, мамлакатимиздаги бугунги ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади айнан мустақиллик мафқураси руҳида тарбияланаётган, миллий ва умумбашарий кадриятларни кенг ўзлаштираётган ёшларимизнинг истикболига қаратилган.

Конституция ва қонунлар ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги устувор бўлган давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Ҳар бир шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва уни

амалда ҳимоя қила олиши мамлакатда таракқиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда инсон тақдири, ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинлиги мужассамдир. Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиши ва ундан амалда фойдалана олиши лозим.

Бунинг учун эса ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарур. Мактабларда, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртрадида ҳуқуқий билим бериш самарадорлигини ошириш зарур. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтишимиз керакки, ҳуқуқий билимга

эга бўлган ёш қадамни ўйлаб босади, ҳар бир ҳатти-ҳаракати баҳо беради, оқибатини ўйлайди. Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган авлод жамият ривожига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданияти юксалган ёшлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англаб етади. Ҳуқуқини билган эса ҳаётда адашмайди. Давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим ва тарбиясига оид қилинаётган ишларнинг барчаси уларнинг билимли, бахтли, барқамол барқамол бўлиб улгайишларига хизмат қилади.

**Шерзод ЭШМАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Яшнобод туман судининг  
судьяси.

## УЧ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси катта мажлислар залида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зикрилла Неъматнинг бирваракайига 3 та янги асари – “Бобомдан мерос боғлар”, “Бухорони соғинмай бўлмас” ҳамда “Оламни англа, болам!” китобларининг тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, сенатор, халқ шоири Сирождин Сайид шоир Зикрилла Неъматни тиниб-тинчимас, ғайратли ижодкорлардан бири сифатида ўз мухлисларига 3 та янги китобини тақдим этаётгани билан табриклади.

– Зикрилла Неъмат ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида кўплаб шеърлар ёзган истеъфодаги полковник шоир, шу босидан бугунги китоб тақдимоти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари байрами куни арафасида ўтказилаётганлиги ҳам рамзий маънога эга”, – деди С.Сайид.

Тақдимотда таникли адабиётшунос, Шарқшу-

нослик институти профессори Адҳамбек Алимбеков “Бобомдан мерос боғлар” китоби ҳақида маъруза қилар экан, шоирнинг янгиликка интилиш борасидаги изланишлари, унинг китобдан жой олган ғазал, туюқ, қасида ва мухаммаслари ҳамда халқ қахрамони Спитамен жасорати акс этган достони ҳақида фикр билдирди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети профессори, филология

фанлари доктори Нурбой Жаббор эса шоирнинг “Бухорони соғинмай бўлмас” номли китоби ҳақида сўз юритди.

Таникли болалар шоири, халқаро Олтин қалам мукофоти соҳиби Дилшод Ражаб шоирнинг болажонларга атаб ёзган “Оламни англа, болам” китоби ҳақида сўзларкан, бу мўъжаз китоб ҳаётга илк кадам қўяётган болажонларимизнинг дунёни англаб етишларида ажойиб совға, зарур қўлланма бўлиши алоҳида қайд этди.

Тақдимотда сўзга чиккан “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири зукко ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев, самарқандлик таникли шоир ва публицист, сенатор Фармон Тошев, шоир З.Неъмат ижодидан илмий тадқиқот олиб бораётган олим, филология фанлар доктори Абдурахмон Примкулов, таникли шоирлар - Тўлқин Ҳайит, Мирхон Мухаммедов, ҳуқуқшунос Субҳиддин Эгамов ва бошқалар ҳам шоир ижоди-

нинг жанговар ва халқчил эканлигини таъкидладилар.

Тадбирда шоир шеърларидан намуналар ўқилди. Хусусан, мониторинг Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Ортик Отажонов ижросидаги “Соғинч” кўшиғи (З. Неъмат сўзи) янгираганда ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Тиллаев шоирнинг “Онам эккан райхонлар” шеърини ифодали ўқиганда ҳамманинг қалби ҳаяжону соғинчдан бир калкиб тушгандек бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилноза Исмияминова ва таникли хонандалар Ганишер Меликулов, Бегали Маҳмадалиев, Ҳотамбек Абдуллаев, Акбар Зойиркуловлар шоир Зикрилла Неъмат шеърлари билан айтилган кўшиқлардан ижро этиб, даврага файз киритдилар. Шоирнинг набиралари – Миробод туманидаги 154-мактабнинг 3-синф ўқувчилари Мубинахон ва Музаффарбекларнинг шеърини чиқишлари ҳам олқишларга сазовор бўлди.

Тақдимот якунида иштирокчиларга шоирнинг янги китобларидан тухфа этилди.

**Фахриддин РАҲИМОВ.**



### Истеъдод



#### ҚУТҚАРУВЧИ АКАЛАР

Сизлар халқнинг дуосини олгансиз,  
Баъзан байрам-тадбирлардан колгансиз.  
Юрт тинчлиги, фаровонлик йўлида,  
Кеча-қундуз бедорсиз, ҳеч толмайсиз.

Ёнгин чиқиб қолса ногоҳ тўсатдан,  
Оқилона фойдаланиб фурсатдан.  
Ёрдам учун етиб борасиз илдам,  
Оловларни жиловлағайсиз шахдам...

Юз берганда, сел, тошқину кўчкилар,  
Энг биринчи халоскорлар дуч келар.  
Тоғдай кўксин қалқон этар офатга,  
Хатарлардан чўчимаслар ҳеч улар...

Омон бўлсин, қутқарувчи акалар,  
Уйда бахтли кутиб олсин бекалар.  
Шиддатиға ҳавас қилиб, ғоз турар,  
– Мен аскарман, – дея шодон укалар...

**Мадинабону МИРЗОИДОВА,**  
Тошкент туманидаги  
8-умумтаълим мактабининг  
8 - «А» синф ўқувчиси.

## ZAKOVAT VAHSI

Qo‘qon shahar Axborot-kutubxona markazi o‘quv zalida shaharda joylashgan harbiy tuzilmalar jamoalari o‘rtasida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuniga bag‘ishlab “Milliy armiyamiz – Yangi O‘zbekistonning mustahkam qalqonidir” shiori ostida “Zakovat” intellektual o‘yini o‘tkazildi.

Intellektual o‘yin Milliy Gvardiyaning “Vatanparvar”, FV bo‘limining “Qalqon”, Chegara qo‘shinlarining “Jasorat”, Harbiy havo hujumiga qarshi va maxsus operatsiyalar qo‘shinlarining “Manguberdi” va 42090-sonli harbiy qismning “Fidoiyalar” jamoalari o‘rtasida ikki bosqichda bo‘lib o‘tdi.

Yakunga ko‘ra, Qo‘qon shahar FV bo‘limining “Qalqon” jamoasi birinchi o‘rinni egalladi.

Tadbirda Qo‘qon shahar hokimi maslahatchisi D.Alimova, Ma‘naviyat va marifat markazi rahbari I.Fayzullayev, 38-umumta‘lim maktabi direktori M.Komilov, Milliy

gvardiya 82318-harbiy qism komandiri o‘rinbosari podpolkovnik M.Ernazarov, FV bo‘limi boshlig‘i o‘rinbosari podpolkovnik Y.Rahmonov va Axborot-kutubxona markazi xodimlari ishtirok etdilar.

Tadbir yakunida g‘olib va sovrindor jamoalar hokimlik tomonidan munosib taqdirlandi.

**A.NAZIROV,**  
Qo‘qon shahar FV bo‘limi boshlig‘i,  
podpolkovnik.  
**A.ALIJONOV,**  
Farg‘ona viloyati FVB OAV va JTBHQC  
boshlig‘i, katta leytenant.



# Vaziyat

gazetasu

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЮНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқлиниши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6350 нусха